

ДАВЛАТ ВА УНИНГ ИНСТИТУЛари ТАРҚҚИЁТ ЭВОЛЮЦИЯСИ.

Рузиев Хамидулла Джурбаевич

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
университети Тарих факультети катта ўқитувчиси

Аннотация: Научная работа посвящена изучению эволюции теоретических взглядов на взаимосвязь государственной дееспособности и государственных институтов. Автор провел исследование в рамках эмпирического подхода и проанализировал теоретические взгляды философов и ученых, раскрывая потенциал и возможности государственных институтов на основе аналитических подходов.

Ключевые слова: политические институты, теории, глобализация, демократия, государственность, государственность, сравнительные исследования.

Аннотация: Тадқиқот иши давлат салоҳияти ва давлат институтлари ўртасидаги боғлиқлик ҳақидаги масалаларга бағишлиланган назарий қарашлар эволюциясини ўрганишга бағишлиланади. Муаллиф эмпирик ёндашув доирасида изланиш олиб борган ва файласуф олимларнинг назарий қарашларини тахлил қилган ҳолда давлат институтлари салоҳияти ва имконимятларини тахлилий ёндашувлар асосида очиб беради.

Калит сўзлар: сиёсий институтлар, назариялар, глобаллашув, демократия, давлатчилик, давлат салоҳияти, қиёсий тадқиқотлар.

Давлат сиёсий ташкилот сифатида ўз худуди доирасида бошқарув аппарати бўлган, таркибий қисмлари ва шаклларига кўра турли хил сиёсий институтларига эга.

Давлатчилик пайдо бўлиши назариясига эътибор берсак қадимда давлатлар инсонларнинг яшаш тарзи, уларнинг дунёқараши ва эҳтиёжлари шаклланиб боришига бевосита таъсир кўрсатган табиий шарт-шароитлар, тупроқ унумдорлиги, иқлиминг яхшилиги, яқин атрофда чучук сувларнинг мавжудлиги катта роль ўйнаган. Давлат маълум бир худудда вужудга келган бўлса, демак албатта бошқарув ҳам, бошқарувдаги қонунлар ҳам, бошқарувчи давлат амалдорлари ҳам, давлат хизматчи-ходимлари ҳам вужудга келади. Шу

үринде давлат бошқарув институтлари, яни, солик, армия, қонун ҳимоячилари ва худудий бошқарув шаклланган.

Давлатларнинг вужудга келишида эса асрлар давомидаги тарихий тараққиётлар жараёнида яшаб ижод қилган мутафаккир-файласуфлар томонидан турлича фаразлар баён этилган. Жумладан, давлатнинг келиб чиқиши ҳақида диний назария намоёндалари Фома Аквинский (1225-1274), Ибн Халдун (1332-1406), Аврелий Августин (354-430), Ибн Рушд (1126-1198) кабилар давлатнинг келиб чиқишига дин асос бўлган дейдилар. Қадимги афсоналарга кўра давлат илохий тарзда келиб чиқкан бўлиб, азалдан ҳокимият одамлар орасида яшаган худога тегишли деб фараз қилишган ва аста секин ҳокимият инсонлар қўлига ўтган. Табиий ҳуқуқ назарияси намоёндаларидан қадимги юонон файласуфлари Афлотун (эр.ав. 427-347), Арасту (эр.ав. 384-322) ва Суқрот (эр.ав. 469-399), Эпикур (эр.ав. 341-270), Зенон (эр.ав. 336-264), юонон тарихчиси Полибий (эр.ав. 210-123), қадимги Юнонистонда фаолият юритган софистлар давлатчиликни вужудга келишида инсонлар хаётида аввал шаклланган табиий жараёнлар туртки бўлган деб фараз қилишган. Ўрта асрларда Англияда Томас Гоббс (1588-1679) ва Жон Локк (1632-1704), Голландияда Гуго Гроций (1583-1645) ва Бенедикт Спиноза (1632-1677), Францияда Жан Жак Руссо (1712-1778) ва Поль Анри Гольбах (1723-1789), Россияда Александр Радищев (1749-1802) каби олимлар табиий ҳуқуқ назарияси ривожига ўз хиссаларини қўшганлар. Патриархал назарияни илгари сурган файласуфлардан Конфуций (эр.ав. 551-479), Арасту (эр.ав. 384-322) ва Роберт Фильмер (1588-1653), уларнинг назариясига кўра давлат табиий тараққиёт маҳсули бўлиб уруғ ва қабиланинг ҳокимияти аждодлар ҳокимиятидан келиб чиқкан. Шартнома назариясининг алоҳида элементлари олтин давр файласуфлари томонидан илгари сурилган, ва бу назариянинг кўзга кўринган вакиллари Томас Мор (1478-1535), Жан Жак Руссо (1712-1778), Гуго Гроций (1583-1645), Томас Гоббс (1588-1679), Имануил Кант (1724-1804), Шарл Луи Монтескье (1689-1755), Джон Локк (1632-1704) каби мутафаккирлар эди. Давлатнинг келиб чиқишида зўравонлик назарияси тарафдорлари немис файласуфи ва иқтисодчиси Евгений Дюриңг (1833-1921), Австрия ва жамиятшуноси Людвиг Гумплович (1838-1909), немис файласуфи Карл Иоганн Каутский (1854-1939) ва бошқаларнинг фикрига кўра давлат келиб чиқишининг бош сабаби босқинчилик ва зўравонлик асосида вужудга келган деган фараз ётади. Тарихий материалистик назария асосчилари Карл Маркс (1818-1883), Фридрих Энгельс (1820-1895) ва Владимир Ильич Ленин (1870-1924) ҳисобланади, унга кўра давлат ҳокимиятининг муайян тараққиёт



босқичида бир бирига қарама қарши синфларнинг вужудга келиши, хукмрон синфларнинг эзилувчи синфлар устидан ўрнатилган ҳокимиятни сақлаб қолиш мақсадида мулк әгалари томонидан ўрнатилган. Органик назария тарафдорларига Афлотун (эр.ав. 427-347) , Томас Гоббс, Жан Жак Руссо ва бошқалар киради, бу назариянинг асосида давлат ҳокимияти ва унинг органлари тирик мавжудотнинг органлари каби муайян бир вазифани бажариш учун яралган деган фараз бор. Психологик назария тарафдорлари Жан Габриэль Тард (1843-1904), Франклин Генри Гиддингс (1855-1931), Лев Иосифович Петражицкий (1867-1931) ва Зигмунд Фрейд (1856-1939), уларнинг фикрича жамият, давлат ва ҳуқуқнинг асосини инсонларнинг рухиятидан излайдилар[1]. Табийики, давлатларнинг пайдо бўлишидаги турли фаразлар мавжуд экан, давлатнинг бошқарув шакллари ҳам турлича бўлган, энг аҳамиятлиси давлатнинг бошқарув лаёқатига боғлик бўлган феноменларга асосланиб давлатнинг фаолияти давомийлиги, унинг суверенитети, ривожланиши ва атроф давлатларга таъсир доираси қай даражада эканлигига ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, Хитой, Англия, Туркия, Эрон каби давлатлар ўз тарихи давомида мустамлака давлат бўлмаган ва қайсиdir давлатларга харбий жихатдан мағлуб бўлган бўлсалар ҳам ўз мустақиллигини сақлаб қола олган. Ўз худудларидаги иқтидорда бўлган ҳукмдорлари, бошқарув ҳокимияти ва армияси давлат мустақиллигининг мустахкам пойдевори домий бархаёт бўлиши учун интилганлар. Ушбу давлатларнинг асосий эътибори мамлакатнинг харбий, иқтисодий ва илмий салоҳиятини юксалтириш масаласи етакчи ўринларда турган.

Давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлишига бевосита алоқаси бўлган неолит инқилобининг муҳим оқибатларидан бири уруглараро алоқаларнинг ривожланиши ва жамият устидаги қурилмаларнинг шаклланиши бўлган[2]. Давлат ва унинг институтлари фаолияти хақидаги назарий қарашлар қадимги даврларданоқ муҳим аҳамият касб этган эди. Неолит инқилобидан сўнг қадимда давлатлар ерларни яхши сугориш мумкин бўлган худудларда юзага кела бошлади. Ер юзида пайдо бўлган илк қадимги давлатлар Миср ва Мессопотамияда пайдо бўлган. Дарё бўйида жойлашган бу давлатларда чорвачилик ва дехқончилик ривож топади. Ушбу худудларни ташки босқинлардан ҳимоя қилиш, жамоани тизимли бошқариш, харбий ҳимоя салоҳиятини шакллантириш, сув иншоотларини қуриш ва сув тақсимоти устидан назорат ўрнатиш, ахоли ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш, диний урф-одатларни бажариш, ҳимоя иншоотларини барпо этиш каби масалалар жамоа бошқарув ва ҳуқуқнинг шаклланишига туртки бўлган.



Ижтимоий-иктисодий муносабатлар жамиятда бошқарув элитасини вужудга келишига асосий омил бўлиб хизмат қилган. Давлат бошқарувининг шаклланиши даврийлиги асрлар давомида хар бир давлатнинг ўз урф одатлари, диний қоидалари ва миллий анъаналарига мос равишда ривожланиб борди. Аста секин шаклланиб борган давлатлараро савдо-сотик алоқалари эса маданиятлар алмашинувига йўл очди. Қадимги даврлардаги Шарқ мамлакатлари ўртасида юзага келган маданий, сийсий ва иктисодий алоқалар Буюк Ипак йўли орқали ўзаро алмашиниб ривожланди ва Европа давлатларида бошқарув тизимига ҳам ўз ижобий таъсирини кўрсатди.

Қадимги дунё цивилизациясида давлат бошқаруви диний одатларга таянган ҳолда ва диний таъсири остида давлатни бошқаришда кенг фойдаланилган. Энг қадимги ҳалқлар ҳисобланган – мисрликлар, хитойликлар, ҳиндлар, бобилликлар, яхудийлар, форслар, юононлар ва римликлар ўз сиёсий қарашларида жамиятдаги яшаш тартиботларини таъминлаб туришни илоҳий кучларга боғлаганлар. Улар Худони инсон ҳаёти ва жамият фаолиятининг асосий сабаби ва манбаи деб ҳисоблашган[3]. Антик дунё аста секин давлат органларини сайлаш, давлат ва жамият бошқаруви демократик принциплар асосида вужудга келиш сари интилган. Жумладан, Эллада антик давр давлат бошқарувининг Республика ва демократиянинг ватани ҳисобланади ва айнан антик давлат ва жамиятдаги тараққиётга қадимги Шарқ цивилизациясидаги илмий-ижодий ютуқлар туртки бўлган.

Шарқ мамлакатлари узининг давлат тузуми бўйича ҳам антик дунё мамлакатларидан фарқ қилган. Қадимги Шарқ давлатлари ташкил топган вақтдан бошлаб деспотик шаклдаги давлатлар бўлган. Бунга кўра, давлат бошлиғи - деспот (подшо, фиръавн) ҳокимияти чекланмаган бўлиб, унинг қўлида ижтимоий ҳокимиятнинг ҳамма таркибий элементлари - олий қонун чикариш, ижро этувчи, суд ва харбий ҳокимият тўпланган. Деспотизмнинг ўзига хос яна бир хусусияти шундаки, деспот бир вақғнинг ўзида ҳам давлат бошлиғи, ҳам дин бошлиғи ҳисобланган. Унга алохида унвон берилиши (Мисрда, Бобилда) уни худонинг ердаги ноиби эканлигини билдирган. Масалан, қадимги Хиндистондаги брахманлар таълимотларига кўра давлат бошлиғи - подшо инсон киёфасидаги худодир, олов ва нур, куёш ва ой, жазо ва эзгулик манбаидир дейилади. Хитойда эса император "осмон урли" (тянцзи) деб аталиб, бу ном ўрта асрларда ҳам сақланиб колган. Мисрда эса VI сулола фиръавнлари исмларининг тартибига куёш худоси Ранинг исми ҳам куйилган. Улар Ра (куёш)нинг урли унвонини олганлар. Шумер давлатларида



патеси (подшо)лар узларини худонинг ердаги ноиби эмас, худо деб эълон килиб, турт мамлакат подшоси деб атаганлар[4].

Давлат ва хукмдорларнинг бошқарув масаласи ва салоҳияти энг мураккаб ходиса бўлганлиги боис тарихда яшаб ижод этган файласуф ва алломалар, давлат арбоблари ва хукмдорлар давлат ҳақида турли хил фикрлар билдирганлар. Хитой мутафаккирларидан бири Лао Цзи (эр.ав. 604-Часр) даосизм асосчиси бўлиб, давлат бошқарувига оид фикрларида “Энг яхши хукмдорни халқ мавжудлигини билади, бироз ёмонроқ хукмдорлар халқдан ўзини яхши куришни ва улуғлашни талаб қиласди, янада ёмонроқ хукмдорлардан халқ қўрқади, барчасидан ҳам баттар ёмон хукмдордан халқ нафратланади” [5]. Шу ўринда мутафаккир давлат бошқарувидаги “Одамлар ҳаёти ва табиатидаги бирон холатга зўрлик билан ўзгартиришга бўлган интилиш қораланади”[6] дейди. Лао-Цзы хукмдорларни жамият ва давлат бошқарувида адолатли бўлишга ўзининг ғояларида акс эттиради. Унинг машхур асари “Дао-дэ цзин”да Дао – ҳақиқат, ва унга элтувчи йўл ва барча ишларнинг боши, яъни ҳаётдаги қонун-қоидалар мажмуудир. Дэ - инсоннинг маънавий-ахлоқий воситалариdir.

Хитой файласуфи Конфуций (Кун-Цзи) ўз асарларида давлат амалдорлари ҳақида фикр билдирап экан хукмдор ва сиёsatчилаr энг аввало халқ ва жамият ривожи учун фидойи бўлишлари, одамлар фаровонлиги учун ғамхўрлик қилишлари, уларнинг меҳнатидан фойдаланишда адолатли бўлишлари лозимлигини таъкидлайди. Файласуфнинг фикрига кўра, мансабдор учун санъат - “одамлар олдида юриш ва улар учун меҳнат қилиш”dir. Мансабдор нимани яхши куришию ва нимани ёмон қўришини билиши, у доимо яхшилик ва эзгу ишлар учун интилиши лозим – ана шунда одамлар унинг орқасидан эргашади, дейди мутафаккир. Конфуцийнинг ахлоқий ва фалсафий таълимотлари Узок Шарқ давлатлари маънавий-сиёсий ҳаётига катта таъсир кўрсатган, унинг фалсафаси одамлар орасидаги муносабатлар ахлоқ доирасида шаклланади ва икки минг йил давомида самовий империя хукмронлик қилган концепция шаклланади. Император – олий хукмдор сифатида барча буйсуниши шарт бўлган илоҳиётнинг ердаги сояси сифатида талқин қилинади, натижада давлат бошқарувидаги император мутлоқ хукмронлиги таъминланади ва хозирги кунгача бу ғоянинг долзарблигини Узок Шарқ давлатларида қўриш мумкин. Конфуцийнинг асосий китоби “Лунь юй” (Сухбатлар ва хукмлар) бўлиб шогирдлари билан бўлиб ўтган сухбат ва эслатмалардан таркиб топган. Шу ўринда комил инсоннинг бешта хислатини таъкидлайди: 1) Жень – инсонийлик; 2) И –



ҳақиқат; 3) Ли – урф-одат; 4) Чжи – хикмат; 5) Синь – самимилик. Конфуцийлик таълимотида хар бир шахснинг ўз функциясига эга бўлган қадимги андозалар воситасида уйғун жамиятни яратиш ғоялари ётади. Жамият сиёсий тизимининг барқарор ишлашини ташкил этишда давлат бошқарувида маънавият ва ахлоқнинг ўрни ҳақида фикр юритади ва “Агар давлат қонунлар ёрдамида бошқарилса ва тартибот жазолашлар воситасида таъминланса, одамлар жазолашлардан ўзларини олиб қочишига интилади, лекин улар узларида ор-номусни хис қилмайдилар, агар Дэ (маънавий-ахлоқий воситалар) ёрдамида бошқарилса, тартибот қадриятлар ёрдамида таъминланса, одамлар ор-номусни хис қиладилар, ҳалол ва софдил бўладилар” [7].

Сукрот – диалектика асосчиси [8], қадимги Юнонистондаги энг машхур ва хурматга сазовор файласуфларидан бири бўлиб, фуқаролик жамияти ҳақидаги фикрлари билан танилади, унинг ғоялари 2000 йилдан ортиқ вақт мобайнида ўз моҳиятини ҳали-ҳануз йўқотгани йук. Сукрот ўзидан ҳеч қандай асар қолдирмаган, ўз таълимотини оғзаки баён қилган. Унинг таълимотлари шогирдлари Платон ва Арастунинг асарларида акс этган Унинг фикрига кўра полисни қонунларсиз ташкил этиб бўлмайди ва полисдан ташқари қонунлар бўлиши мумкин эмас, қонунлар - полиснинг пойдевори, дейди. Унинг фикрича, фақат билимли одамларгина қонун чиқариш ва бошқарувни амалга ошироғи лозим.

Сукрот давлат ҳақида фикр юритар экан, “халқ иродаси ва давлат қонунларига асосланувчи ҳокимият подшоликдир; халқ иродасига қарши, қонунларга эмас, балки, ҳукмдорнинг ўзбошимчалигига асосланган ҳокимият мустабиддир. Агар идора этиш қонунлари уларнинг ижросини таъминловчилар томонидан амалга оширилса бу аристократиядир; агар идора этиш бойлиқдан келиб чиқса, унда плутократия, халқ оммаси иродасидан кеиб чиқса демократия дейилади” [9].

Сукротнинг давлат бошқарувига оид шундай бир фикри бор эди, - “Денгиз бўйлаб кемада саёҳатга чиқмоқчи бўлсанг, кема йўлбошчисини тайинлаш вазифасини кимга топширган бўлардинг? Исталган кишигами ёки денгизчилик таълимотини олган мутахассисларгами? Албатта, мутахассисга. Шундай экан, нега исталган одам давлат раҳбарини тайинлаш вазифасига лаёқатли деб ўйлашда давом этамиз?!” Давлат бошқарувида хар бир соҳанинг ўз мутахассиси бўлади ва бошқарув жиловини ўз ишини яхши билган шахс ихтиёрига топшириш лозим. Шу ўринда Сукрот раҳбар сайлови маданияти юксак даражада шаклланган бўлиши ва сайловчи сиёсий-хукуқий маданиятга эга бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Жамият ёки давлат бошқарувчисини



сайлашда тасодифий интуиция билан эмас, балки алоҳида қобилият эгаларининг тафаккури ва иродасига таяниб тахлилий ва танқидий мулоҳазаси асосида амалга оширилиши лозим. Файласуф сайловчи сайлаётган номзодни кимлигини, нималарга қодирлигини яхши билмоғи ва хар ким ҳам раҳбарни сайлаш лаёқатига эга эмас эканлигини таъкидлайди. Акс холда кема бошқарувини номуносиб шахс бошқарувига ўтиб қолса ҳалокат сари илдамлаши муқаррардир. Сукротижодида бирон асар ёзиб қолдирмаган, унинг таълимотларини шогирдлари Афлотун ва Арастулар қолдиришган.

Қадимги юонон файласуфи Афлотун Афина шаҳрида туғилган ва Суқротнинг энг яқин шогирдлари қаторида бўлган.

Арасту 28 та китоб ёзган. Файласуфнинг «Методика», «Метафизика», «Жон ҳақида», «Поэтика», «Осмон ҳақида», «Физика», «Риторика», «Севги ҳақида», «Уйқу ва бедорлик ҳақида» асарлари шу китоблар сирасига киради. Арасту ўз устози Афлотунни танқид қилиш даражасига етган[10].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Х.Т.Одилқориев умумий таҳрири остида “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”. Дарслик. Шарқ НМАК бош таҳририяти, 2009 й. 43-59 бетлар.
2. Ҳ.М.Мухамедов. О.Т.Хусанов. Б.М.Мухамедов. “Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи”. Тошкент. “ТАСВИР” нашриёт уйи. 2009 й. 14 бет.
3. М.Қирғизбоев. “Сиёсатшунослик”. Тошкент. “Янги аср авлоди”. 2013й. 27 бет.
4. Ҳ.М.Мухамедов. “Хорижий мамлакатлар давлати ва ғуқуқи тарихи”. Тошкент. “Адолат”. 1999й. 43 бет.
5. <https://ru.citaty.net/avtory/lao-tszy/>
6. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Лао-Цзы>
7. “Сиёсий ҳуқуқий таълимотлар тарихи”. Древний мир - Москва. “Наука”1985. 170 бет.
8. “ФАЛСАФА қисқача изоҳли лугат”. Тошкент. “Шарқ” 2004. 296 бет.
9. М.Қирғизбоев. “Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши”. Тошкент. “Ўзбекистон” 2010. 10 бет.
10. <https://ziyouz.uz/hikmatlar/mumtoz-faylasuflar-hikmati/384-322/>.
11. Ruziyev, H. D. (2022). AQSH DAVLAT SALOHIYATINI YUKSALTIRISH BORASIDAGI MAMLAKAT TASHQARISIDAN “KADRLAR OQIMI” NI JALB QILISHDAGI USTUVOR SIYOSATI. Academic research in educational sciences, 3(10), 825-836.
12. Рўзиев, X. Д. (2021). ISSUES OF SOCIO-ECONOMIC LIFE IN THE KHIVA KHANATE OF ABULGAZI BAHODIRKHAN'S WORK “SHAJARAI TURK”. Экономика и социум, (8), 394-404.
13. Рузиев, X. Д. (2021). METHODOLOGICAL FUNDAMENTALS OF STUDYING THE DEVELOPMENT OF THEORETICAL FUNDAMENTALS INCREASING STATE AUTHORITY. Экономика и социум, (7), 617-624.
14. Рузиев, X. Д. (2014). СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ОБУСЛОВЛЕННОСТЬ ПРИНЦИПА СИЛЬНОГО ГОСУДАРСТВА КАК ИНИЦИАТОРА И КООРДИНАТОРА РЕФОРМ В УЗБЕКИСТАНЕ. Paradigmata poznani, (4), 142-148.
15. Рузиев, X. Д., & Халимметова, Р. (2019). Вклад Узбекистана в общую победу над фашизмом. Эшелоны идут на восток. Эвакуация в Узбекистан в годы Великой Отечественной войны, 181.
16. Ruziev, X. D. Analysis of the Social Effects of Globalization and the Negative and Positive Sides of the Globalizing World.

Proceedings of International Conference on Modern Science and Scientific Studies

Hosted online from Paris, France.

Date: 19th January, 2023

ISSN: 2835-3730

Website: econferenceseries.com

17. Absattorov, B. M. (2019). SPIRITUAL AND MORAL DEVELOPMENT OF THE PERSON IN MODERN WORLD. *Central Asian Problems of Modern Science and Education*, 4(2), 167-173.
18. Mamarasulovich, A. B. (2021). IMPROVEMENT AND DEVELOPMENT OF ETHICAL CRITERIA AND NORMS.
19. MAMARASULOVICH, A. B. (2021). Баркамол ёшларни тарбиялашда маънавий-ахлоқий мезон ва меъёрларнинг ўрни. *АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ХАБАРНОМА*.
20. Mamarasulovich, A. B. (2022). RELIGIOUS AND PHILOSOPHICAL FOUNDATIONS OF HUMAN MORAL DEVELOPMENT. *American Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 11, 154-163.
21. Mamarasulovich, A. B. (2022). RELIGIOUS AND PHILOSOPHICAL ASPECTS OF HUMAN MORAL DEVELOPMENT. *Conferencea*, 197-201.
22. Абсатторов, Б. (2019). ШАХС МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ БАРКАМОЛЛИГИ МЕЗОНЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ. *Scienceweb academic papers collection*.
23. MAMARASULOVICH, A. B. (2020). ИНСОН ФАОЛИЯТИДА АХЛОҚИЙ МЕЬЁРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ. *Вестник Каракалпакского государственного университета им. Бердаха*.
24. MAMARASULOVICH, A. B. (2020). Evolution of views on ethics, ethical criteria and ethical standards. *Scienceweb academic papers collection*.
25. MAMARASULOVICH, A. B. (2019). Общность общечеловеческих и национальных ценностей в нравственном развитии. *ILM SARCHASHMALARI*.
26. MAMARASULOVICH, A. B. (2018). INNOVATORY METHODS OF WORKING WITH UNORGANIZED YOUTH. *European Science Riview*.
27. MAMARASULOVICH, A. B. (2018). Zamonaviy sivilizatsiya rivoji va uning axloqiy mezonlari. *TDPU ILMIY AXBOROTLARI*.
28. Каримова, Г. А. (2022). ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИДЛАР. *ILM-FAN TARAQQIYOTIDA ZAMONAVIY QARASHLAR: MUAMMO VA YECHIMLAR*, 3, 13-15.
29. Alimova, S. H. (2022, December). THE PLACE OF THE SCIENTIFIC HERITAGE OF ABU NASR FORABI IN WORLD CIVILIZATION. In INTERNATIONAL CONFERENCE: PROBLEMS AND SCIENTIFIC SOLUTIONS. (Vol. 1, No. 7, pp. 154-157).
30. Абдурахмонов, У. У. (2023, January). ЁШЛАР ОНГГИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ. In *Proceedings of Scientific Conference on Multidisciplinary Studies* (Vol. 2, No. 1, pp. 262-272).
31. Абдурахмонов, У. У. (2023). РОЛЬ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО ПОТЕНЦИАЛА В РАЗВИТИИ ТВОРЧЕСКИХ КАЧЕСТВ У МОЛОДЁЖИ В ОБЩЕСТВЕ. *International journal of advanced research in education, technology and management*, 2(1).
32. Туратошева, С. Р., & Абдурахмонов, У. У. (2016). Зависимость от интернета и человеческий фактор. *Бюллетень науки и практики*, (5 (6)), 255-258.
33. Абдурахмонов, У. У., & Исломов, Б. С. (2016). Виды и роль здоровой социальной конкуренции в достижении профессионального мастерства молодежью. *Социология и право*, (1 (31)), 16-21.
34. Абдурахмонов, У. У., & Аликулов, М. М. (2016). Роль здоровой социальной конкуренции в постижении профессионального мастерства молодежью в Узбекистане. *Бюллетень науки и практики*, (3), 169-171.
35. Абдурахманов, У. У., Шеров, М. Б., & Наврузов, О. Э. (2015). Роль здоровой социальной конкуренции в постижении профессионального мастерства молодежью в Узбекистане. In *Инновационные направления в научной и образовательной деятельности* (pp. 147-149).
36. Абдурахмонов, У. У., & Шеров, М. Б. (2015). Социальные аспекты смены поколений в системе образования Узбекистана. *История и современность*, (2 (22)), 114-118.
37. Абдурахмонов, У. У. (2015). МЕСТО И РОЛЬ ЗДОРОВОЙ СОЦИАЛЬНОЙ КОНКУРЕНЦИИ В ПОСТИЖЕНИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО МАСТЕРСТВА МОЛОДЕЖЮ. *Редакционная коллегия*, 286.

- 38.Tuxtamratovna, S. A. (2022). Issues of codification of norms of Islamic law. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(11), 311-314.
- 39.Sanaqulov, A. N. Prospective Directions of Effective Use of Virtual Technologies in Increasing the Power of Youth. *JournalNX*, 897-903.
- 40.Санакулов, А. (2017). Духовность-основа информационной безопасности. *Молодой ученый*, (19), 231-234.
- 41.Nazarovich, S. A. (2022). DEVELOPMENT OF INFORMATIONAL IMMUNITY AS THE KEY TO INCREASING THE INFORMATION CULTURE OF PEOPLE. *Conferencea*, 191-196.
- 42.Nazarovich, S. A., & Olimjanovich, X. A. (2022). FEATURES OF PREVENTING METAMORPHOSIS OF SPIRITUAL AND MORAL VALUES IN THE VIRTUALIZATION OF PUBLIC LIFE. *International Journal of Early Childhood Special Education*, 14(7).
- 43.Sanaqulov, A. (2022). FEATURES OF PREVENTING METAMORPHOSIS OF SPIRITUAL AND MORAL VALUES IN THE VIRTUALIZATION OF PUBLIC LIFE. *International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECS)*.
- 44.Санакулов, А. Н. (2022). ОБЕСПЕЧЕНИЕ МИРОВОЗЗРЕНЧЕСКАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ В ИНФОРМАЦИОННОМ ОБЩЕСТВЕ. *Yosh Tadqiqotchi Jurnali*, 1(5), 290-296.
- 45.Nazarovich, S. A. (2022). SPIRITUAL ASPECTS AND SECURITY IN THE INFORMATION SOCIETY. *Conferencea*, 94-99.
46. Санакулов, А. Н., & Бобоёров, Ш. Б. (2022). ЁШЛАРДА ВИРТУАЛ РЕАЛЛИК (VR) ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ КҮНИКМАСИНИ ШАКЛАНТИРИШ ЗАРУРАТИ. *Yosh Tadqiqotchi Jurnali*, 1(5), 281-289.
47. Эшпулатов, М. (2023, January). ЎҚУВЧИ ЁШЛАРДА МАЪНАВИЙ-ТАРБИЯВИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШДА АДАБИЁТ ОМИЛИ. In *Proceedings of Scientific Conference on Multidisciplinary Studies* (Vol. 2, No. 1, pp. 186-195).
- 48.Samiyevich, T. B. (2022). Education of youth in the Hadiths of Imam al-Bukhary. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(11), 98-101.
- 49.Samiyevich, T. B. (2022). The role of the scientific heritage of ancestors in improving the intellectual competence of young people. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(11), 102-105.
- 50.Samiyevich, T. B. (2021). THE SIGNIFICANCE OF MIRZO ULUGBEK'S HISTORY OF FOUR ULUSES IN YOUTH EDUCATION. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(11), 269-274.
- 51.Samiyevich, T. B. (2021). The Role Of The Concept Of Innovative Development In The Education Of The Third Renaissance. *Texas Journal of Philology, Culture and History*, 1, 58-62.

- 52.Otaboevich, K. M. (2021). Model of Developing Ideological Competence in Students. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 1284-1292.
- 53.Otaboyevich, K. M. (2022). Study of the problem of developing students' ideological-ideological competence in philosophical-pedagogical literature. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(11), 88-93.
- 54.Otaboyevich, K. M. (2020, December). DEVELOPMENT OF IDEOLOGICAL POTENTIAL OF STUDENTS OF PEDAGOGICAL HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTION ON THE BASIS OF NATIONAL AND SPIRITUAL VALUES. In *Archive of Conferences* (Vol. 10, No. 1, pp. 9-11).
55. Otaboevich, K. M. (2022). Legal fundamentals of developing ideological and ideological competence in students. *World Bulletin of Social Sciences*, 8, 96-100.

